



SOME CRIMINOLOGICAL ISSUES OF PANDERING AND BROTHEL MAINTENANCE IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Kholmatov Bakhrom Uktamovich

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14762485>

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2025

Accepted: 28th January 2025

Online: 29th January 2025

KEYWORDS

Pimping, crime, brothels, prostitution, public morality, legalizing prostitution.

ABSTRACT

This article examines the necessity of protecting public morality as an object of criminal law using the example of the crime of pimping and maintaining brothels. This crime, being a complex social phenomenon, serves as a determinant for other more serious offenses such as violence, the spread of venereal infections, the organization of criminal groups, the distribution of narcotics, etc. The article provides examples from judicial practice and describes the personality of the perpetrator of these acts, as well as presents an analysis of literature and research on preventing the crimes of pimping and maintaining brothels.

НЕКОТОРЫЕ КРИМИНОЛОГИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ СВОДНИЧЕСТВА И СОДЕРЖАНИЯ ПРИТОНОВ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Холматов Бахром Уктамович

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14762485>

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2025

Accepted: 28th January 2025

Online: 29th January 2025

KEYWORDS

Сводничество, содержание притонов, общественная мораль, проституция, легализация.

ABSTRACT

В этой статье изучена необходимость защиты общественной морали в качестве объекта уголовно-правовой охраны на примере преступления сводничество и содержание притонов. Это преступление являясь очень сложным социальным явлением, служит детерминантом других более тяжких деяний как насилие, распространение венерических инфекций, организация преступных групп, распространение наркотических средств и т.д. В статье рассмотрены примеры из судебной практики и описана личность совершившего этих деяний лица, также приведен анализ литературы и исследований по предупреждению преступления сводничество и содержание притонов.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚЎШМАЧИЛИК ҚИЛИШ ВА ФОҲИШАХОНА САҚЛАШ ЖИНОЯТИНИНГ АЙРИМ КРИМИНОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ

Холматов Бахром Ўктамович

Сирдарё вилояти жиноят ишлари бўйича

Боёвут туман судининг тергов судьяси

E-mail: xbu@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14762485>

ARTICLE INFO

Received: 24th January 2025

Accepted: 28th January 2025

Online: 29th January 2025

KEYWORDS

Қўшмачилик қилиш,
фоҳишахона сақлаш,
жамият ахлоқи,
фоҳишабозлик,
легаллаштириш.

ABSTRACT

Ушбу мақолада жамият ахлоқини жиноят қўриқлов объекти сифатида ҳимоя қилиш зарурияти қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш жинояти мисоли ўрганилган. Ушбу жиноят мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, у бошқа оғир оқибатли қилмишлар, масалан, зўравонлик, тери-таносил касалликлари тарқалиши, жиний гуруҳлар ташкил этиш, гиёҳвандлик воситалари савдоси каби кўплаб жиноятлар учун детерминант ҳисобланади. Ушбу мақолада қўшмачилик ва фоҳишахона сақлашга оид суд амалиётини кўриб чиқиб, содир этувчи шахсиятига, содир этилиш шарт-шароитларига тўхталамиз, уни олдини олишга оид назарий адабиётлар ва амалиётни танқидий кўриб чиқамиз.

Ахлоқ жамиятнинг муҳим институти бўлиб, уни ҳуқуқдан ва ҳуқуқий тизимдан ажратиб бўлмайди. Ахлоқ инсон руҳий табиати маҳсулоти бўлибгина қолмай, у кишилиқ жамияти маданий қоидаларига ҳам сингиб кетган. Ҳуқуқнинг табиий ва позитивистик мазмуни ахлоқнинг жамиятнинг норматив баҳолашининг энг чуқур илдиз отган шакли сифатида кўради. Қолаверса ахлоқ ижтимоий ҳодиса бўлиб, у айнан ҳар бир шахснинг эмас бир гуруҳнинг ижтимоий-психологик мўлжалларини йиғиндисини ифодалайди. Машҳур ҳуқуқ файласуфи Ҳарт ҳуқуқ ва ахлоқ муносабатларини шарҳлар экан, гарчи уларни мустақил ва автоном деб айтса-да, ахлоқ доим ҳуқуқнинг мазмунини белгилаб, унинг олий мақсадларини тушунтиришини айтган. [1] Шунингдек, ҳуқуқ файласуфи Ж.Бентам ҳамда Р.Дворкинлар ҳам ахлоқнинг ҳуқуқни суғориб туриши ва унинг муҳим асоси эканини таъкидлаган. [2] Олим Р.Ҳинде эса ахлоқнинг ижтимоийлигини инсон табиатининг ҳам маҳсули деб ҳисоблаб, ҳар бир инсоннинг психологияси, ишончи ва ижтимоий қадриятлар, эътиқод ва бошқа маданий ҳодисалар таъсирида вужудга келадиган барқарор институт сифатида кўради. [3]

Шунга кўра ҳар бир жамият ўзининг анъаналари ва маданиятидан келиб чиқиб ўз қадриятларини, хусусан ижтимоий ахлоқни ҳимоя қилади, унинг барқарорлиги ҳамда аниқлигини сақлашга интилади. Зеро, ахлоқ ҳам қадриятлар йиғиндиси бўлиб, у



жамият учун мўлжал-маёқ вазифасини ўтайди. Унинг тарозиси бошқа қоидаларга ҳам таъсир қилади ва бутун ҳуқуқ мазмунини ҳам ғалвирдан ўтказди.

Шундай экан ижтимоий, яъни жамиятнинг умумий ахлоқига қарши қаратилган қилмишлар ижтимоий хавfli деб ҳисобланиб, жиноят қонуний билан қўриқланади. Ўзбекистон Республикаси ҳам жамият ахлоқига қарши бир нечта қилмишнинг жиноийлиги Жиноят кодексида белгилаган бўлиб, ушбу тадқиқотда нисбатан кўпроқ содир этиладиган қўшмачилик қилиш ҳамда фоҳишахона сақлаш жиноятининг жиноят-ҳуқуқий ҳамда криминологик жиҳатлари ҳақида сўз юритамиз. Фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик жамият ахлоқини емирибгина қолмай, турли тери таносил касалликлари тарқалиши, гиёҳвандлик ва зўравонликнинг авж олиши, алларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилиши ва одам савдоси каби оғир ҳуқуқий ва ижтимоий оғир оқибатларни келиб чиқишини рағбатлантиради, уларга шароит яратади. Ҳар бир жамият ўз ахлоқий қадриятларини барқарорлаштириш, турли кескин ва олдиндан қўриб бўлмайдиган пароканда қилувчи ижтимоий зўриқишларга йўл қўймаслик учун жамият ахлоқини қўриқлайди. [4]

Қадимдан фоҳишабозлик ва уни ташкил этиш қаттиқ қораланган. Марказий Осиё ҳудудида ислом ҳуқуқи амал қилган даврларда фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик ҳам фоҳишабозлик каби ҳад жазоси белгиланадиган оғир жиноят ҳисобланган. [5] Ислом ҳуқуқи бу жиноятларга 100 дарра уриш жазосини назарда тутиб, бу қилмишларнинг исломдан эмаслиғни уқтиради. Кейинроқ совет ҳуқуқи ва ахлоқи ҳам фоҳишабозлик, қўшмачилик каби қилмишларни кескин қоралади ҳамда совет даври жиноят қонунларининг барчасида ушбу қилмишлар жиноят сифатида эътироф этилди. [6]

Ахлоққа қарши жиноятларнинг ушбу тури алоҳида мунозара мавзуси бўлиб, у кенг ижтимоий-иқтисодий ҳамда криминологик мазмунни қамраб олади. Яъни, оғир ижтимоий-иқтисодий шароитдан келиб чиқадиган фоҳишахона сақлаш ва қўшмачилик қилмишлари жамият ахлоқига хавф туғдирибгина қолмай, бошқа бир қанча оғирроқ жиноятлар, масалан гиёҳвандлик воситалари савдоси, одам савдоси, жиноий гуруҳ тузиш, товламачилик, одам ўлдириш каби бошқа оғир ва ўта оғир жиноятларнинг детерминанти ҳам ҳисобланади. [7] Айни шу криминоген хусусияти билан қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш жинояти алоҳида криминологик аҳамиятга ҳам моликдир.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 131-моддаси қўшмачилик қилиш ва фоҳишахона сақлаш жиноят таркибини назарда тутди. Мазкур жиноят объекти жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормалари бўлиб, қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш жамият ахлоқини емириб, умумий қадриятларини қадрсизлантиради. Гарчи фоҳишабозликнинг ўзи жиноят ҳисобланмаса-да (маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади), уни ташкил этиш, фоҳишахона очиш ва сақлаш, унда воситачилик қилиш (қўшмачилик) каби ҳаракатлашни ўз ичига олган қилмишлар ижтимоий хавfliдир. Фоҳишабозлик қонунийлаштирилган давлатларда ҳам ноқонуний шаклда фоҳишахоналар ташкил этиш тақиқланади, кўплаб мамлакатларда эса бу жиноят ҳисобланади.

Ушбу қилмишнинг объектив томонини махсус турар жой (ёки нотурар жой)да фоҳишабозлик билан шуғулланишни ташкил этиш, унга бошқа шахсларни жалб қилиш ҳамда унда воситачилик қилиш ҳамда ушбу фоҳишахона фаолиятини олиб бориш



қилмишларини қамраб олади. Бунда воситачилик (қўшмачилик) 131-модда биринчи қисмида, фоҳишахона ташкил этиш эса иккинчи қисмида назарда тутилган. Қўшмачилик қилиш жинсий алоқа қилиш учун шахсларни учраштириш, уларни ўзаро муолқот қилиш ва фоҳиша хизматини кўрсатишга воситачилик қилишни, бунда турли усуллар (интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда, бевосита шахсан ёки алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда)да юқоридаги шахсларни топиш ва ўзаро муносабатларига шароит яратиш каби ҳаракталарни ўз ичиқга олиши мумкин. Бунда мотив ғараз ёки бошқа паст ниятлар бўлади. Фоҳишахона сақлаш эса аниқ бир физик майдон (турар ёки бошқа мақсаддаги жой, бино, хона ва ҳк.)да фоҳишалик хизматларини кўрсатишни ташкил этиш, бу хизматни кўрсатувчи шахсларга, шунингдек жинсий алоқа қилиш учун шароитлар яратиш ва ташкил этиш ҳамда бу фаолиятни доимий бошқариб боришни ўз ичига олади. Субъектив томони тўғри қасд бўлиб, уни содир қилишда шахс доим ўз қилмиши мазмуни ва оқибатини тушунади.

Аввало таъкидлаш лозимки, қўшмачилик ҳамда фоҳишахона сақлаш юқори даромад келтирувчи саноат даражасига етган ҳодисадир. Европа парламенти маълумотида кўра тизимли ташкил этиладиган фоҳишахоналардан дунёда йилига 186 млрд даромад кўрилади ва ушбу пулларнинг 70%дан ортиғи жинсий хизмат кўрсатувчиларнинг эмас, қўшмачи ва фоҳишахона ташкилотчиларнинг ҳисобига кетади. [8] Ва 50% ҳолатларда фоҳишалик қилувчилар ушбу ишга мажбурланади, эксплуатация қилинади, уларнинг ҳуқуқлари мунтазам бузилади, фоҳишалик билан шуғулланувчиларнинг 44%ига нисбатан доимий уларга нисбатан зўравонлик содир этилади. [9] Шу билан бирга, фоҳишахона сақлаш, қўшмачилик ва фоҳишабозликка доир ҳуқуқбузарликлар жуда мураккаб иқтисодий ва ижтимоий характерга эгадир. Энг қадимги касб деб ҳисобланадиган ушбу соҳа деярли доим қашшоқлик, зўравонлик ва тоқатсизлик меваси деб кўрилади. Унга қарши кураш ҳам шу қадар мураккаб бўлиб, шунчаки жазолашнинг ўзи билан енгиб бўлмайди.

Шунингдек, ушбу жиноятларнинг асосий қисми одатда латентлигича қолиб кетади, кам ҳолатлардагина очилади ва одил судловга тортилади. Суд амалиёти қўшмачилик жиноятининг мазмуни ва криминологик хусусиятларини аниқроқ ўрганиш имконини беради. Масалан, Урганч суди томонидан кўрилган 1-2201-2401/23-сонли жиноят ишида судланувчи 2023 йил 23 декабр куни “мижоз”га 300 минг сўм эвазига жинсий алоқа қилиш учун қиз топиб беришга келишиб, пулларни олган. Суд ҳукмидан англашиладики, ушбу нарх қиз томонидан кўрсатиладиган жинсий алоқа учун хизматни ҳам ўз ичига олади. Кўринадики, бу ерда пул миқдори кам бўлиб, судланувчи ҳамда у топиб берувчи қизнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини ҳам тушунтиради. Судланувчи 36 ёшли, уч нафар фарзанди бор ва оиласидан ажрашган ишсиз аёл. Яна бир бошқа 1-1612-2301/1-сонли жиноят ишида ҳудди шундай қўшмачилик иши Янгиқўрғон туманида содир этилган, унда судланувчи 100 000 сўм эвазига жинсий алоқа учун қиз топиб беришга келишган. Бу ҳолатда ҳам судланувчи ишсиз, даромадсиз, 3 нафар фарзанди бор аёлдир. [10]

Қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш жиноятининг айрим криминологик жиҳатлари, масалан, жиноят содир этувчи шахсияти, сабаблари ва шарт-шароитлари таҳлили шуни кўрсатадики, бу жиноятга қарши курашиш жиноят-ҳуқуқий эмас



ижтимоий-иқтисодий механизмлардан бошланиши талаб этилади. Ушбу жиноят содир этувчиси типик шахси бу 30-40 ёшлардаги ишсиз, даромадсиз, касб-хунарсиз аёл кишидир. Аёллар таълими, уларни иш билан таъминлаш сифати ошиши билан бу каби иллатларни камайтириш ҳисобига ушбу жиноятнинг асосий шарт-шароитларини бартараф этиш ва жиноят сони камайтишига эришиш мумкин.

Айрим адабиётлар фоҳишабозликнинг нолегаллиги ҳам қўшмачилик ва фоҳишахона сақлаш, уни ташкил этиб бошчилик қилишга алоҳида шахслар жалб қилиниши ҳамда жиноий гуруҳлар тузилишига шароит яратишини айтишади. [11] Фоҳишабозликнинг энг қадимий фаолият экани ва унинг йўқ қилиниши имокнсизлиги, умумий инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан шахсларга жинсий алоқани чеклаш ва назорат қилиш мантиқсизлиги нуқтаи назаридан қаралса, мазкур адабиётлар фоҳишабозликни қонунийлаштириш ва уни назорат қилиш мумкин бўлган, аниқ талабларга бўйсунадиган, доимий назорат қилинадиган фаолиятга айлантириш таликлифлари ҳам мавжуд. Бунда, табиийки, қўшмачилик ўз-ўзидан легаллашади ва ушбу бизнеснинг менежменти сифатида тушунилади. Ушбу фикрни илгари сурувчилар, шу жумладан олимлар С.Харкот, О'Коннорларнинг тадқиқотлари фоҳишабозликни легаллаштириш соҳанинг энг муҳим хавфларини камайтиради, яъни жиноий уюшган гуруҳлар ташкил этилишини, аёлларнинг қуллиги ва зўравонликларни, энг муҳими жамият соғлигига зарарларни анча камайтиришини кўрсатади. Яъни, соғлик назорати имокни бўлганлиги оқибатида, турли таносил касалликлари хавфи анчагина камайгани кузатилади. [12] Германия, Туркия, Греция, Нидерландия, Дания каби мамлакатлар фоҳишабозликни легаллаштирган.

Шу билан бирга, ушбу қонунийлаштиришнинг нотўғрилигини таъкидловчи тадқиқотлар ҳам бор. Масалан, социолог С.Жефрейс тадқиқотлари фоҳишабозликни легаллаштириш кўзланган мақсадларга етиш имконини бермаган ва олим бу фикрни хатолигини айтган. [13] Унга кўра фоҳишабозликни қонунийлаштириш на аёллар камситилиши ва на соғликни сақлаш бўйича ижобий натижа бермаган, аксинча жамият ахлоқини пасайтириб, ушбу соҳага боғлиқ бутун бир институтни вужудга келтирди, холос. Яна бир жиҳати, бу вазиятда декриминализация ва қонунийлаштириш мазмунини фарқлаш лозим. Яъни, тадқиқотлар фоҳишабозлик ва у билан боғлиқ қилмишларни ҳуқуқбузарлик деб ҳисоблаш ҳамда уни бутунлай қонунийлаштиришдан фарқлидир. Масалан, АҚШнинг кўплаб штатларида бу соҳа қонуний бўлиш билан бирга, тегишли рўйхатдан ўтмасдан шуғулланиш ҳуқуқбузарлик ҳисобланади.

Ҳуқуқий, криминологик ва социологик тадқиқотлар фоҳишабозлик ҳодисасини турли қисмларга ажратиб, унга қарши курашиш ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга оид бир қанча муҳим стратегиялар тақдим этади. Бу, энг аввало, аёлларнинг таълими ва иш билан бандлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашни тақозо этади. Бу қўшмачилик ва фоҳишахона сақлашнинггина эса, бутун фоҳишабозлик ҳодисасини кескин пасайтиради. [14] Кейинги умумий ҳуқуқий ва криминологик чоралар, профилактика, жазо муқаррарлиги, ҳуқуқий тарғибот каби анъанавий чоралар ҳам муҳимлигини унутмаслик лозим. Қолаверса, тан олиш керакки, ҳозирча мавжуд ҳар қандай ҳуқуқий-криминологик чоралар фоҳишабозлик ҳеч қаерга ғойиб бўлиб қолмайди ва уни



назорат қилиш ва жамият ахлоқини муҳофаза этишнинг янги механизмларини топиш заруриятини истисно қилмайди. Шу сабабли, ҳуқуқ, иқтисодиёт, социология ва криминологияга оид тадқиқотлар орқали янги ва самарали чоралар ишлаб чиқиш бугунги фаннинг олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

References:

1. Hart, Herbert Lionel Adolphus, and Leslie Green. The concept of law. oxford university press, 2012.
2. Dworkin, Ronald. Law's empire. Harvard University Press, 1986.
3. Hinde R. A. (2004). Law and the sources of morality. Philosophical transactions of the Royal Society of London. Series B, Biological sciences, 359(1451), 1685–1695. <https://doi.org/10.1098/rstb.2004.1542>
4. Immordino, Giovanni, Maria Berlin, Francesco Flaviano Russo, and Giancarlo Spagnolo. "Prostitution and Violence: Evidence from Sweden." (2020).
5. Yilmaz, Fikret. "The line between fornication and prostitution: the prostitute versus the 'subaşı' (police chief)." Acta Orientalia Academiae Scientiarum Hungaricae 69, no. 3 (2016): 249–64. <http://www.jstor.org/stable/43957467>
6. Янина И. Ю. (2019). Общественная нравственность в системе объектов уголовно-правовой охраны: понятие и классификация. Судебная власть и уголовный процесс, (4), 96-101.
7. Алихаджиева Инна Саламовна, & Меркурьев Виктор Викторович (2016). К криминологическому определению и классификации преступлений, связанных с проституцией. Всероссийский криминологический журнал, 10 (4), 750-760.
8. Европа Парламенти маълумоти, 2015, <https://www.europarl.europa.eu/studies/>
9. Berlin, Maria Perrotta, Giovanni Immordino, F. Russo, and G. Spagnolo. Prostitution and violence. Working Paper, 2019.
10. Янгиқўрғон туман судининг 2024 йил 17 январдаги -1612-2301/1-сонли жиноят иши бўйича ҳукми, <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>
11. Чилингаров, К. В. (2011). Основания и принципы криминализации преступлений против общественной нравственности. Общество и право, (4 (36)), 200-202.
12. Harcourt, C., O'Connor, J., Egger, S., Fairley, C. K., Wand, H., Chen, M. Y., & Donovan, B. (2010). The decriminalisation of prostitution is associated with better coverage of health promotion programs for sex workers. Australian and New Zealand journal of public health, 34(5), 482-486.
13. Jeffreys, S. (2003). The legalisation of prostitution: A failed social experiment. Women's Health Watch Newsletter, 64, 8-11.
14. Cunningham, S., & Shah, M. (Eds.). (2016). The Oxford handbook of the economics of prostitution. Oxford University Press.